

9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишга оид мутасадди ходимлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун услубий кўлланма

Х.Зиқриллаевнинг умумий таҳрири асосида

19 саволга жавоб

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳақида маълумотлар

УДК: 377(038)

ББК: 74.200.52

С-14

Шосалимов Ж., Жалалов А. Ўқувчиларнинг қизиқишлари харитаси/19 саволга жавоб –Т.: “Янги аср авлоди”, 2012 йил –32 бет.

ISBN 978-9943-08-907-5

Инсон доимо ҳаракатда, ривожланишда ва билим олишга интилишда бўлади. Биз ҳаёт эканмиз, ўзимизни англаш учун ана шу учала омилни ишга соламиз, улардан самара кутамиз. *Ҳаракат*, бу – тириклик аломати; *ривожланиш* бўлмаса таназзулга учрашимиз ёки заволга юз тутишимиз турган гап; *билим* эса инсон эканлигимизни эътироф этувчи асосий омилдир.

Мазкур қўлланма ҳаракатингизни енгиллаштирувчи, *ривожланишингизга* ёрдам берувчи, *билимингизга* яна бир чимдим билим қўшишга хизмат қилувчи манба бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас! Қўлланмага бугунги кунда ота-оналарни, мактаб битирувчиларини қизиқтираётган **муҳим ҳаётий саволлар** ва уларга имкон қадар қисқа ва ихчам **жавоблар** келтирилган. Мазкур жавоблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 9-синф битирувчиларини таълим муассасаларида ўқитиш, мазкур муассасаларга жалб этишга оид бўлиб, мутасадди ходимлар учун амалий ёрдам беради.

УДК: 377(038)

ББК: 74.200.52

Тузишда қатнашганлар:

Ж.Шосалимов, А.Жалалов, А.Набиев, С.Саттаров

ISBN 978-9943-08-907-5

© Жамалхан Шосалимов, Анвар Жалалов “Ўқувчиларнинг қизиқишлари харитаси”. “Янги аср авлоди”, 2012 йил.

МУНДАРИЖА

Касб нима	5
Касб қандай танланади	6
Нима учун фарзанд касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда ўқиши керак	9
Академик лицей нима (академик лицейда қандай таълим йўналишлари мавжуд)	11
Касб-ҳунар коллежи нима (касб-ҳунар коллежида қандай касбларни эгаллаш мумкин)	14
Таълимнинг мажбурийлиги (ўқувчининг таълим олиш ҳуқуқи қандай таъминланади)	15
Ўқувчилар қандай ҳуқуқларга эга	17
Ўқувчиларга қандай хизматлар бепул кўрсатилади ...	18
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига қандай ҳужжат берилади	19
Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қандай лавозимларни эгаллашлари мумкин	19
Ўқувчиларнинг таълим олишлари учун уларнинг ота-оналарига жавобгарлик юклатилганми	20
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёни қандай кечади	21
Ўқишни бир таълим муассасасидан бошқасига кўчириш мумкинми	22
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида олий таълим муассасаларига киришга имтиёз берувчи қандай кўрик-танловлар, конкурслар ва мусобақалар ўтказилади	23

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилар сафига қандай қабул қилинади	25
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида қандай жамоат ташкилотлари фаолият юрйтиши мумкин	26
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш давридан самарали фойдаланиш йўллари	27
Касб-ҳунар коллежларини битиргандан сўнг олий таълим муассасаларига киришдаги эътиборли жиҳатлар	29
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битиргандан сўнг ишга жойлашиш масаласи қандай ечилади	30

КАСБ НИМА

Биз, барчамиз турмушимиз фаровон бўлишини истаймиз, фаровонликка етакловчи эса омиллардан бири касбдир! Биз фақат ўз касбимиз орқали тирикчилигимизни юритамиз. Нимани касб этсак, ундан моддий эҳтиёжимизни қондирамыз. Шунинг учун ҳам касбни танлаш ўта муҳим жараён ҳисобланади. Касб танлаш тўғрисида барчамизнинг ўз фикримиз, тушунчамиз бор. Касб танлашнинг кетма-кетлиги, касб тушунчасининг таърифи ва тавсифи мавжуд.

Ушбу мўъжаз китобчада касбнинг барча жиҳатларига батафсил тўхталиб ўтиш имкониятига эга эмасмиз, шу боис касб тушунчасининг таърифи ва унга қисқа шарҳ келтиришни жоиз деб билдик. **Касб – махсус тайёргарликни талаб этадиган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, бажарувчига иқтисодий-ижтимоий фойда келтирадиган мақсадли фаолиятдир.** Ҳар қандай фаолият ҳам касб бўлавермайди. Масалан, юлдуз санаш ёки сувга термилиб ўтириш кабилар ҳам фаолият, хатти-ҳаракат. Лекин у ҳеч кимга, жумладан, хатти-ҳаракатни амалга ошираётган кишининг ўзига ҳам иқтисодий фойда келтирмайди. Бундай амалларни хобби, бекорчилик, пас-

сив дам олиш деб атасак ҳам бўлади. Демак фойда белгиловчи омиллардан бири экан! Касб тирикчилик манбаидир. Касбни тирик организмларга қиёслайдиган жиҳатлари ҳам бор. Масалан, баъзи касблар маълум замонда пайдо бўлади (туғилади), секин-асталик билан жамиятда нуфузи ортиб боради (вояга етиб боради), кейинчалик эса уларга эҳтиёж камайиб (қарийди), фойда келтирмай ҳам қўяди (ҳаётий даври тугайди). Шунинг учун касбни танлашда ушбу касб қайси босқичда эканлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Энг муҳими, касб ҳам бир вақтнинг ўзида ҳаётнинг бир қисми, асоси ва ташкил этувчи омиллардан биридир. Биз касб танлар эканмиз, аввало унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олишимиз даркор, акс ҳолда ўзимиз билмаган соҳани танлашга ва у билан шуғулланишимизга тўғри келади.

КАСБ ҚАНДАЙ ТАНЛанаДИ

Тўғри танланган касб инсонни бахтиёр қиладди, нотўғри танланган касб эса, аввало, соғлиққа зиён, қолаверса, умрнинг эгови ва бахт-саодатни кўкка соуради. Касб, инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ экан, унга ёшликдан масъулият

билан қараш талаб этилади. Чунки касб танлашда улкан омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиб, уларнинг ҳар бири бўйича қарор қабул қилишга тўғри келади. Ҳар бир инсон, унинг яшаш муҳити турлича бўлганидек, омилларнинг сони ҳам шунга монанд равишда турли миқдорда ва сифатда бўлади. Касб танлашда умумлаштирилган усуллар мавжуд. Шу боис, соҳадаги махсус адабиётлар билан танишиб чиқиш зарур бўлади (шулар жумласига “Касб қандай танланади?” қўлланмасини ҳам киритиш мумкин).

Касб қандай танланади? Бу саволга умумлаштирилган ҳолда қуйидагича жавоб бериш мумкин, мазкур жавоблар ўқувчи учун маёқ бўлиб хизмат қилади:

1. Шак-шубҳасиз, ҳар бир инсонда улкан салоҳият мавжуд, барча (ўқувчи, унинг ота-онаси, педагог-мутахассислар, устозлар, катта ёшдаги қариндошлар ва бошқалар) ушбу салоҳиятни очишга интилиши зарур. Мазкур интилиш тартибсиз бўлмаслиги, кимдир уни қайд этиб бориши, тизимга солиши даркор. Айнан шу каби хатти-ҳаракатлар касб танлашдаги биринчи қадам ҳисобланади;

2. Истеъдод нишонларининг барчаси юзага чиқиши билан уларнинг ҳар бири ёки уларнинг



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/2155>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2155>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2155>